

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУҒАНИЕВ ОЗОД ТУРСУНБОЙ ЎҒЛИ

ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Абдуғаниев Озод Турсунбой ўғли
Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини
ривожлантириш.....3

Абдуғаниев Озод Турсунбой угли
Развитие социально активных гражданских компетенций
студентов.....23

Abduganiev Ozod Tursunboy ogli
Development of socially active civil competences in students.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУҒАНИЕВ ОЗОД ТУРСУНБОЙ ЎҒЛИ

ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси**
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Олий аттестация комиссияси**да **В2020.3.PhD/Ped1736**
рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий
кенгашнинг веб-саҳифаси-www.tdpu.uz ҳамда «ZiyouMe ахборот-таълим порталида-
www.ziyoume.com манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хакимова Муҳаббат Файтиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Фарсаҳонова Дилафрўз Ритаҳоновна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

Етакчи танқилот:

Фаргона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 3 9 ой 3 09 даги
мажлисида бўлиб ўтди (манзил: 100185, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси,
27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс
марказида танишни мумкин (1914 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185,
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс:
(99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2021 йил 24 07 да тврқатилди.

(2021 йил 24 июл даги 9 рақамли реестр баённомаси


М.Э.Хайдаров
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., проф.
Ғ.Ғ.Исенов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қўшма раиси, пед.ф.д., доцент
Н.А.Муслимов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар
раиси, пед.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожланганлик даражасини аниқлаш индикаторларини тизимлаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. 2030 йилгача мўлжалланган ЮНЕСКОнинг Инчхон декларациясида “Таълим тараққиётининг асосий ҳаракатланувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият¹” деб эътироф этилган. Шу асосда АҚШ, Франция, Россия, Германия, Англия каби давлатлари таълим тизимида шахсининг фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш моделларини такомиллаштириш, талабаларда ижтимоий фаол фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, таълим тизимини халқаро талаблар асосида такомиллаштириш, ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини ривожлантириш бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, талабаларнинг шахсий ва касбий ижтимоийлашувини такомиллаштириш, касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш асосида ижтимоий ҳаётни демократлаштириш йўналишидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш, мустақил фикрлаш, талабаларда фаол фуқаролик позицияси, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ижтимоий-сиёсий воқеликка онгли муносабат, дахлдорлик ва ижтимоий фаоллик сифатларини ривожлантириш, ҳуқуқий тафаккур ва тасавури ривожланган шахсни камол топтиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “маънавий етук, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, ватанга содиқ, қатъий ҳаётий фуқаролик позициясига эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш”² каби муҳим вазифалар илгари сурилган. Ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш натижасида талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, фаол фуқаролик позициясини таркиб топтиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштиришни тақозо қилади.

¹ Образование 2030 Инчхонская декларация и рамочная программа действий: Республики Корея, с 19 по 25 мая 2015 года.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – 6-сон.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон ва 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари Б.Абдуллаева, А.Акрамов, А.Асқаров, Ш.Баратов, А.Бегматов, Н.Джамилова, О.Жамолитдинова, Х.Ибрагимов, Ж.Йўлдошев, М.Қаҳҳарова, М.Куранов, Қ.Қуронбоев, А.Маврулов, О.Мусурмонова, Н.Муслимов, Д.Рўзиева, Н.Сафаев, Х.Тожибоева, Г.Туленова, Б.Ходжаев, Ш.Шарипов, Б.Шермухаммедов, Ш.Шодмонова, Ғ.Шоумаров, Н.Эгамбердиева, Э.Юсупов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг назарий-методик асослари С.Абдульханова, Э.Баришникова, С.Беспалова, А.Богданов, В.Болотов, А.Вербицкий, Н.Воскресенская, А.Запесоцкий, И.Зимняя, М.Каган, А.Князев, О.Малова, А.Озерова, Ю.Подлесная, В.Хуторской кабилар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш масалалари олимлар, Dj.Dyui, R.Dall, Dj.Patrik, M.Branson, Ch.Quigley, L.Jones, R.Moore, A.Sears, A.Hughes, Hutmacher Walo, P.White кабилар томонидан тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетида 2017-2019 йилларда бажарилган “ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида

ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш жараёнининг моҳияти ва педагогик-психологик хусусиятлари, таъсир этувчи омилларини аниқлаш;

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини белгилаш асосида жараён моделини такомиллаштириш;

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва даража кўрсаткичларини аниқлаш;

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш ҳамда илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган олий педагогик таълим жараёни белгиланиб, Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Жиззах давлат педагогика институтининг 294 нафар талабаси жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантириш жараёни мазмуни, шакли, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий (ўқув методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, қиёслаш-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровнома, тест ўтказиш, кузатиш), прогностик (таълимни баҳолаш, эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш, моделлаштириш) методлар мажмуи, педагогик тажриба-синов, натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш жараёнига таъсир этувчи педагогик-психологик омиллар тизими фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялаш, иродавий ўзини назорат қилиш, ижтимоий аҳамиятли вазиятларни эгаллаш, давлат ва жамият мафқурасига мос вазиятларни ташкил этиш ҳамда ижтимоий-маданий, синергетик, феноменологик ва аксиологик ёндашувларни ўзаро яхлитлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, миллий ва умуммаданий таянч билимларининг меъёрий, тизимли даражаларини инновацион таълим муҳитида моделлаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик механизмлари “Менга сўз беринг” методи ва “Скарабей” инновацион-интерактив технологиясига асосланган, фуқаролик ва ижтимоий лойиҳаларни ижтимоий йўналиш, ишонч даражаси ва ижтимоий хатти-ҳаракатлар тузилмаси аналитик, ташкилий, фаолиятга доир, мониторинг ва натижавийлик босқичлари асосида такомиллаштирилган;

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожланганлигини баҳолаш мезонлари, маънавий тарбияланганлик ва демократик кадриятлар, инсонпарварлик, идеалларга мос йўналганлик ахлоқий тизимлаштиришнинг компонентлари уйғунлигини таъминлашга қаратилган педагогик коррекция усуллари инструментал, мотивацион, когнитив, продуктив, рефлексив-баҳоловчи компонентлари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг ўқув-услубий таъминоти яратилган;

ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг инновацион таълим машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган;

ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришни босқичма-босқич йўналтириш бўйича ишлаб чиқилган “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фанининг ўқув дастури ва ўқув-методик мажмуаси, ўқув жараёнини ташкил этиш модуллари такомиллаштирилган;

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни ривожлантириш тизими, жумладан, амалий йўналтирилган ва тажриба-синов учун танланган инновацион таълим методлари ва технологиялари таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асослангани, талабаларнинг ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш ҳамда педагогик таълим соҳасида республикамиз ва чет эллик олимлар ишларига таянилгани, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методлари қўллангани келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари ёрдамида асослангани, хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришга ёндашувлар илмий-назарий жиҳатдан бойитилгани; талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий ҳамда педагогик билим, кўникма, малака ва қобилиятларни ривожлантиришнинг инновацион-интерактив таълим технологиялари, мазмун-моҳияти, асосий тушунчалари,

баҳолаш мезонлари такомиллаштирилгани, даража кўрсаткичлари ишлаб чиқилгани, ижтимоий-маънавий ва фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини ривожлантиришдаги роли ёритиб берилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларнинг ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, ижтимоий фаолликни ривожлантириш босқичлари, таълимий компонентлари, ижтимоий-маданий, ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг таълимий имкониятлари ва уларни таълим тизимида татбиқ этишга доир таклиф ҳамда тавсиялардан олий таълим муассасаларида ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаси М ва малака ошириш тизимида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаси талабаларида ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш жараёнига таъсир этувчи педагогик-психологик омиллар ҳамда ижтимоий-маданий, синергетик, феноменологик ва аксиологик ёндашувларни ўзаро яхлитлашга оид таклифлар “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фани давлат таълим стандартлари ва малака талаблари ҳамда “Ижтимоий педагогика” дарслиги мазмунига сингдирилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 89-03-279 сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш жараёнининг моҳияти ва педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаш имконияти оширилган;

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг баҳолаш даражаси (зарурий, оптимал, максимал) соҳаларини демократик қадриятлар, инсонпарварлик, идеалларга мос ахлоқий тизимлаштиришга оид таклифлардан И-2016-1-33 рақамли “Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш” номли амалий лойиҳа ва КА-1-003 рақамли “Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 89-03-279 сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини белгилаш асосида уларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциялар ривожланганлигини баҳолаш мезонлари аниқлаштирилган;

талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш модели, педагогик-психологик жараён функцияларини оптималлаштириш ҳамда талаба шахсига таъсир этувчи ижтимоий педагогик индивидуал сифатлар, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси ривожланишининг баҳолаш даражаси (зарурий, оптимал, максимал) соҳаларини демократик қадриятлар, инсонпарварлик, идеалларга мос ахлоқий

тизимлаштиришга оид таклифлар И-2016-1-33 рақамли “Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш” номли амалий лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда амалда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 89-03-279 сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш имконияти оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан, 6 таси республика, 4 таси хорижий, шулардан 1 таси скопус маълумотлар базасидаги журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган; тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилгани, эълон қилингани, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш – ижтимоий педагогик зарурият сифатида, ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари, талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ҳамда муаммонинг назария ва амалиётдаги ҳолати баён этилган.

Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш бугунги кунда тобора долзарблик касб этмоқда. “Фуқаро”, “фаол фуқаролик тушунчалари” мазмун-моҳияти тўғрисидаги тасаввур билан боғлиқ ёндашувлар, турли даврларда турлича талқин қилинган. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенциявий таълимининг мақсади доимо инсонни жамиятда фаоллик, давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш, фаол

фуқаролик позициясига эга бўлишга интилишни шакллантириш бўлган. Шунга қарамай, инсон ҳаётида давлат ва жамиятнинг роли турлича талқин этилган.

Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш ижтимоий педагогик зарурият сифатида аниқлаштириш, бизнингча, қуйидаги фикр-мулоҳазаларни таъкидлаб ўтиш имконини беради:

ёш авлодни тарбиялашда фуқаролик жамиятининг асосий вазифаси ижтимоий фаол фуқарони камол топтириш;

талабаларга демократик давлат қуриш ғоясини сингдириб бориш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий фаол иштирокини таъминлаш;

талабаларда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, халқ фаровонлиги, комил инсон ғояларини сингдирган ҳолда фуқаролик жамиятини қуришда фаол иштирокини таъминлаш;

талабаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ва уларда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириш;

талабарда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожланиши “Менторлик”, “Талаба минбари” каби ижтимоий лойиҳаларда фаоллик кўрсатиш орқали ривожлантириш;

талабаларни олий таълим муассасаларидаги, “Ёшлар иттифоқи уюшмалари фаолиятида фаол иштирок этиш, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига кенг жалб этиш” орқали ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш мумкин.

Республикамиз олий таълим муассасаларида “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фани ижтимоий-сиёсий билимларни ривожлантирувчи ижтимоий-демократик муҳит ёки жамиятда бўлаётган ўзгаришлар ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги демократик ислохотларда талаба-ёшлар иштирокини таъминлаш орқали ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришни кўзда тутуди.

“Ижтимоий фаол фуқаролик компетенция” тушунчасини, унинг тузилиши ва унинг таркибига кирувчи компетенциялар номенклатурасини аниқлаш ҳам мураккаб вазифа ҳисобланади. Тадқиқотлар жараёнида мазкур муаммонинг турли жиҳатлари педагог, психолог ва сиёсатшунос олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилгани аниқланди.

А.Бегматов таълим жараёнида шахс фаоллиги “жамият манфаатлари билан шахс манфаатлари ўртасида уйғунлик мавжуд бўлса, бундай ҳолат шахсни жамият манфаатлари йўлида, демак, шу орқали, ўз манфаатлари йўлида ҳам жонбозлик кўрсатишга ундайди”, – деб инсон тарбиясида инсонпарварлик тамойилининг ўрни юқорилиги масаласига тўхталиб ўтган.

Н.А.Муслимов “компетенция – билим, малака ва шахсий сифатларини маълум соҳада муваффақиятли фаолият учун қўллаш олиш қобилияти”, – деб таъкидланган.

З.Т.Салиева тадқиқот ишида талаба шахсининг маънавий маданиятини ривожлантириш масалаларига тўхталар экан, “талабаларни биологик ва психик, ижтимоий ва маънавий англаш, ўз-ўзини англаш, рационал ва иррационал бирлик сифатида тушуниш; педагогик қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезувчи,

индивидуал муносабатда бўлишни талаб этувчи шахс деб қараш; бунда юксак ижтимоий қадриятларнинг инсон шахсини ривожлантиришдаги ўрни, ҳар бир талабанинг индивидуаллиги ва такрорланмас эканлиги ҳурмат қилиниши; унинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилиши” каби масалаларга тўхталиб ўтган.

О.Мусурмонова таълим-тарбияда ахлоқий онг, виждон, бурч, масъулият, ҳаё, ғурур каби инсоннинг феъл-атворини ички бошқариш қурилишига асосланади. Ахлоқнинг мағзини ташкил қилувчи бош қоидалар инсонпарварлик, демократизм, ҳалол меҳнат, ўзаро ёрдам, дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат, байналмилалчилик, ватанпарварлик, табиат ва атроф-муҳитга диққат-эътибор, бурч ҳисси ҳамда камтарлик, кўзбўямачилик ва ёлғизликни инкор этиш каби инсоний сифатларни ўз тадқиқотларида ифодалаган.

Nutmacher Walo “таълим тизимида ёш авлодда дахлдорлик хиссини уйғотиш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда, маданият, тил, дин вакиллари билан ижтимоий муносабатларда маданиятлараро” компетенцияларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Дж.Патрик, П.Уайт, шунингдек, канадалик педагоглар А.Сиарс ва Э.Хьюз тадқиқот ишларида ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришда энг муҳим омиллардан демократияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш истаги, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи сифатлар орқали эришилади деб таъкидлаган.

Демак, илмий тадқиқотларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясига кенг таъриф беришга ва уни шакллантириш, ривожлантириш шароитларини аниқлашга уринган бўлиб, у ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини демократия, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш шароитларидаги ҳаёт билан боғлиқ мураккаб вазифаларни ҳал этиш қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини талабалар дунёқарашига оид ҳодиса сифатида талқин қилиш ва ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси таърифига қадриятли, когнитив ва фаолиятли компонентлар ўзлаштириш натижасида эришиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантириш таълимининг мақсади доимо инсонни жамиятда (ташаббускорлик, волонтерлик ҳаракатларида фаолликка) фаол фаолиятга, давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишга интилиш бўлган. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш талабаларда жамиятда юз бераётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш орқали жамият ҳаётида бўлаётган ўзгаришларда фаол иштирок этиш, ўзининг фаол фуқаролик бурчи, мажбурияти ва ҳуқуқларни билиш, унга риоя этиш, ҳуқуқий муносабатларда муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш каби сифатларни ривожлантириш.

Талабалар олий таълим муассасаси ижтимоий ҳаётида, ташаббускор ва волонтерлик гуруҳлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, “Иқтидорли ёшлар” фан клублари фаолияти, жумладан, талабалар, ота-оналар кенгашлари фаолиятини ривожлантириш орқали “таълим муассасаси

талабалари ва ота-оналар” ўртасида фаол ҳамкорлик муҳитини яратиш орқали кўзланган мақсадга етиш мумкин.



1-расм. Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари ва омиллари

Демак, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш тўғрисида билдирилган фикр-мулоҳазаларни таҳлил этган ҳолда куйидаги хулосаларга келинди:

– талабаларнинг ижтимоий роллари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ривожлантириш “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фани орқали (ижтимоий фаол фуқаролик компетенциялари) ўзлаштиришга йўналтирилган махсус дарс ва дарсдан ташқари фаолият сифатида тушунилади;

– ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш демократик ҳуқуқий давлатни қуриш шarti ва жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини ошириш, унинг барқарор ривожланиш омили сифатида қаралади;

– ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиёти шароитларида инсонни муваффақиятли фаолиятга тайёрлайди, бу, ўз навбатида, “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фани элементларини белгилаб беради: ижтимоий ҳаётда иштирок этиш ижтимоий фаол фуқаролик билими, кўникмалари, малакалари ва фуқаролик сифатлари, тадқиқотчилар ишида кўрсатиб ўтилмаган таълим муассасасининг ижтимоий муҳити, фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш самарадорлигининг асосий омилларидан биридир;

– бугунги кунда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциявий ёндашув устувор ҳисобланиб, унинг моҳияти талаба-ёшлар ўз ижтимоий-сиёсий билимларини амалий фаолиятда, кенг доирадаги ҳаётий вазифаларни ечишда

қўллаш оладиган инсонларни тайёрлашдан иборат.

Юқорида келтирилган маълумотларни таҳлил этар эканмиз, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш инсонни жамиятда фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, демократик давлат қуриш йўлида ўзининг фаол иштирокини таъминлаш, ижтимоий шерикчилик, жамоатчилик назорати, шунингдек, ўзини ўзи назорат қилиш, жамият ҳаётида юз бераётган ҳодиса ва жараёнларга бефарқ бўлмаслик, талаба ижтимоий омилларининг барча асосий соҳаларини ривожлантиришида намоён бўлади.



2-расм. Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик тавсифи

Демак, илмий тадқиқот ишларининг таҳлили “ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси – инсон ўз ҳаёт фаолиятида, фуқаролик жамиятининг фаол аъзоси бўлиши, унинг шаклланиши ва ривожланишида иштирок этиши, фаол фуқаролик позициясига асосланган қобилияти ва тайёргарлиги натижасидир”, – деб таъкидлашга асос бўлди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва механизмлари**” деб номланиб, унда талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш модели, талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш механизмларини тадбиқ этиш йўллари ёритиб берилган.

Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари таълим муаммосига ёндашувларнинг таҳлили тадқиқот муаммосини ёритиб бериш учун бир қатор муҳим хулосаларга келиш имконини беради.

Биринчидан, компетенциявий таълим ривожланиб бориши мумкин бўлган билим, кўникма ва малакаларга эришилган даражадан келиб чиқиши керак, аммо ёшларда мазкур даража турлича намоён бўлади.

Иккинчидан, эришилган даражадан келиб чиқиб, мазкур даражани ҳар бир талабада аниқлаш талабини келтириб чиқаради. Чунки, компетенцияларнинг эришилган даражаси ташхисини аниқлаш ўқитишнинг ижтимоий таъсир этувчи шарти сифатида қараш лозим.

Учинчидан, ривожлантирувчи таълим талабаларнинг ривожланиш даражаларини тўғирлашга олиб келмайди, балки индивидуал сифатларини ривожлантириш шарти бўлиб хизмат қилади. Бундан индивидуал сифатлар ривожланиш учун бошланғич жиҳат сифатидагина эмас, балки зарурат, бутун ўқиш даврида сақланиб қолиши назарда тутилади.

Тўртинчидан, ақлий қобилиятларнинг ривожланиши махсус воситаларни – мазмуни бўйича оптимал мураккаб ва ақлий меҳнатнинг рационал кўникмаларини шакллантириши керак бўлган ривожлантирувчи топшириқларни кўзда тутди. Бундан индивидуал ёндашув таълимда ўқитишнинг мос таълим воситаларига зарурат келиб чиқади.

Демак, талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, тавсифлари, таҳлили, шунингдек, талабаларнинг фаол фуқаролик тарбияси назарияси ва амалиётининг таҳлили, фуқаролик сифатларининг ривожланиш жараёни сифатида қуйидагиларни кўрсатиш имконини берди: талабаларда педагогик-психологик, шахсий, жумладан, фаол фуқаролик сифатларининг ривожланиш хусусиятларининг намоён бўлиши, талабани фаол фуқаро сифатида тарбиялашга мақсадли йўналганлик, талабаларга зарур ахборотни етказиш (фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари соҳасидаги билимлар, вазиятлар, муаммонинг тарихини), талабаларни дарсларда махсус ташкил этиладиган вазиятларга ва дарсдан ташқари вақтдаги жамоатчилик фаолияти, волонтерлик ҳаракатларига жалб этиш, ўқув-тарбия жараёнида талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришга индивидуал ёндашув, таълим муассасасидаги ҳар бир талабанинг фаол фуқаролик нуқтаи назарини ифодалашга кўмаклашувчи демократик муҳит орқали ривожлантиришга алоҳида эътибор катта аҳамият касб этади. Шу сабабли сўнгги йиллар давомида илмий тадқиқотларда тадқиқ этилаётган ишларни, ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантириш таълим тизимида талабаларнинг ижтимоий сифатларига таъсир этувчи омил сифатида қараш долзарб масала ҳисобланади.

Талаба шахсига таъсир этувчи омилларнинг интеграцияланиши ижтимоий фаол фуқаролик сифатларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари учун фуқаролик вазиятининг барқарорлигига таъсир этувчи маҳсулдор, дивергент, танқидий фикрлашни шакллантиришни таъминлаш зарур. Мазкур муаммони ҳал этишнинг энг самарали воситалари маҳсулдор,

ижодий вазифалар ҳисобланиб, уларни ўқув машғулот вақтида ҳамда машғулотдан ташқари ишларни ташкил этишда қўллаш мумкин.


Тадқиқотда таълим-тарбия тизимида компетенциявий ёндашувнинг асосий қоидаларидан бири компетенцияни шахснинг субъектив сифати деб тушунишни назарда тутлади. Бу ўқув фаолиятининг жамоавий хусусияти ва билимларни қатъий ўзлаштирилишини, талабаларда ўқишнинг субъектив мотивларига боғлиқ бўлган кўникма ва малакаларни ишлаб чиқиш, ўқиш предметига муносабат, таълим олувчининг қобилиятлари ва тажрибасини инобатга олиш каби вазиятларда намоён бўлади. Шу сабабли сўнгги йиллар давомида илмий тадқиқотларда тадқиқ этилаётган ишларда, ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантириш жараёни долзарб ҳисобланади.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси ўз тақдирини жамият, Ватан, ўз халқи тақдиридан ажралмаслигини тан олишдан келиб чиқади. Инсон ўзининг шахсий муваффақиятига, у фақатгина жамиятда ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олганидагина эришиши мумкинлигини, яъни шахсий муваффақият, жамият, давлатнинг муваффақиятли ривожланишидан ажралмаслигини тушуниш керак. Ўзининг ҳаётий ёки касбий ривожланишини амалга ошириб, инсон жамият тараққиётининг янги босқичига ўтишига ёрдам беради ҳамда жамият ривожига ўз хиссасини қўшади.

Таълим-тарбияда узлуксизлик принципи жуда муҳим ҳисобланиб, у ривожланишнинг ҳар бир босқичида аввалги босқичда шаклланган фаол фуқаролик компетенциялари мустаҳкамланади ва кенгайтирилади. Бир вақтда янги босқичдаги таълимий вазифаларни бажариш таъминланади, кейингиси учун асос тайёрланади. Шу тариқа, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш устида конструктив ишлайди.

Талабанинг ижтимоий фаоллиги ривожланишида, аввало, ўзини ўзи фаоллаштириш, ўқув жараёнида эришган ютуқлари орқали ўзини ўзи баҳолаш принципи асосида қуриш муҳим роль ўйнайди. Талабанинг шахсий жавоби, ўз ўқув фаоллигини таҳлил қилишга ундовчи вазиятларга жалб этиш зарур. Талаба учун ўқув машғулотидаги муваффақиятлиликнинг бош мезони ўқитувчи унга қўядиган баҳо эмас, балки аниқ бир ўқув ютуғи, топшириқни бажариши, ўз хатти-ҳаракатларининг натижасини мустақил баҳолаш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўз хатоларини топиш ва тўғрилаш кўникмаси ўз иродасини ривожлантиришга боғлиқ.

Таълим тизимида ривожлантириш модели орқали талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантириш моделининг мазмун-моҳияти ўз ичига ўқув, дарсдан ташқари мустақил ишлар, таълим муассасасининг демократик ҳаёт тарзини шакллантириш, талабаларда жамоатчилик назорати тизимини йўлга қўйиш каби вазифалар таълим муассасасининг барча ҳаёт соҳаларини ривожлантирувчи ва таълимда, аввало, фаолиятли ёндашув, амалий йўналтирилган интерфаол ўқитиш методларини қўллашни кўзда тутувчи фаол фуқаролик компетенциясининг асосий предметлари натижаси сифатида тушуниш билан боғлиқ бўлади.



3-расм. Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш модели

Бизнинг моделimizда ифодаланган педагогик шароитларни аниқлаштириб, биз қуйидаги асосий компонентларни ажратамиз:

мақсадли компонент ортидан “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” ўқув фани мазмунининг имкониятларидан фойдаланишни;

ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясининг эришилган даражасининг ташхисини ўтказиш;

фаол фуқаролик хулқи модели сифатида дарсни лойиҳалаш;

фуқаролик ва ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ўқув топшириқларидан фойдаланиш;

таълим муассасасининг демократик ҳаёт тарзини қуриш;

талабаларга ўз қизиқишлари ва қобилиятларини ўқув фуқаролик фаолиятида амалга ошириш имкониятини ривожлантириш.

Талабаларнинг ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришда олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга фаол муносабатини таҳлил этган ҳолда талабаларга билим беришда, аввало, касбий-ижодий, мустақил фикрлашини, ташаббускорлигини ривожлантиришнинг мазмунан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаган ҳолда ижтимоий фаол фуқароликнинг самарадорлик натижаси аниқланиб баҳоланди ҳамда унинг амалий модели ишлаб чиқилди (3-расм).

Мазкур модель жараёни доирасида таълим олаётган талабаларнинг ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришда атроф-муҳит билан ўзаро мулоқотга кириша олиши, фаол фуқаролик сифатларининг ривожланиши, ўзини ўзи ривожлантириш кўникмаларига эга бўлиши орқали тажриба-синов жараёнида ижтимоий фаолликни намоён этди.


